

ҚАДИМГИ ТУРКИЙЛАРДА СУД ВА ХУҚУҚ ТИЗИМИ

Рахмонали Бегалиевич Бекмирзаев, катта ўқитувчи
Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона ш.
e-mail: freedomsayts@mail.ru, bekraixman@gmail.com

Аннотация: Уибу мақолада қадимги туркӣ давлатларда маълум бир қонунларга асосланган бошқарув усули ўрганилиб чиқилган.

Калим сўзлар: Турк хоқонлиги, одат ҳуқуқи, қонун, жиноят, жазо, қурултой.

КИРИШ:

Олтойда турк хоқонлигининг пайдо бўлиши “Ашин” уруғининг кучайиб, турли қабила ва халқларни ўз атрофида бирлаштириши билан боғлиқдир. Эрамизнинг 551-йилида турклар дастлаб жужан қабила бирлашмасини енгиб, Бумин хоқон ёрдамида Мўғулистон ва Олтойда кучли давлат туздилар. Бу давлат VI-VIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда бир қанча халқларни бирлаштиради.

Турк хоқонлигининг ижтимоий тузуми: бой зодагонлар, савдогарлар, хунармандлар, хизмат қилувчи табақа амалдорлар, ҳарбийлар, деҳқон ва қуллардан иборат бўлган. Ҳарбийлар туркча «чариқ» деб аталган. Сўғд хужжатларига кўра ҳукмдорлар саройда қуидагича мансабни эгаллашган: ҳарбий маъмурият бошлиғи - Фарғонада - “Тудун”, Сўғдда “Чапиш” яъни лашкарбоши, вилоят ҳокимлари “Хабе” дейилган. Подшо девон- хонасининг бошлиғи “диперант” деб аталган. Гупат-даромадлар нозири, яъни молия ишлари билан шуғулланувчи, Охвирпат - подшо отхонасининг нозири, бошлиғи. Парванак - хужжатлар тузувчи мансабдор, пахванак (патване) жазони ижро этувчи жаллод лавозимидаги шахслар бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу даврда халқлар бир неча динга: зардуштийлик, христианлик, монийлик ва буддизтнга эътиқод қилишган. Диний мансаблари: Магупат - бош кохин, вағнпат - ибодатхоналари бошлиғи ва бошқалар. Турк хоқонлигига қонунчилик Хоқон буйруғи, фармонлари, зардуштийлик динининг муқаддас китоби (“Авесто”), Суғд хужжатлари ва маҳсус қонуний актларини содир этадиган жой суд нотариал органи мавжуд бўлган.

Турк хоқонлигига хотин-қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлган, аёлнинг номусига теккан эркак ўлимга маҳкум этилган. Номусга тегиш энг оғир жиноят ҳисобланган. Бундан ташқари оғир жиноятларга қўзғолон уюштириш, хоинлик, одам ўлдириш, ўғирлаш кабилар кирган. Етказилган зарар учун эса масалан безорилик, орқасидан бирор кишига зарар етказилса, жабрланувчига қизини эрга бериши, қизи бўлмаса, тўлайдиган мулкини бериши лозим эди.



Аъзоларининг бирортасини ишдан чиқарган бўлса, бу жинояти учун от билан жарима тўлаши керак бўлган, ўғирлаган нарсаси учун эса ўша нарсанинг ўн баробарига тенг нарса тўлаган. Ана шу даврга хос бўлган Самарқандда “Турк қонунномаси” мавжуд бўлиб, у ибодатхонада сакланган. Жазо бериш вақтида ана шу қонуннома асосида яъни уни қўлга олиб туриб жазо тайинланган. Оғир жиноят учун жиноятчининг ўзи қатл этилган. Ўғрилик учун оёғи қирқиб ташланган.

Қадимги Туронда туркий халқларда ёзма қонунчиликка қадар одат хукуки амал қилиб келган. Одат маълум бир халқнинг урф-одат хукуки нормаларининг йигиндисидир. Одат-деб маълум бир жойнинг ёзилмаган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган расм-русумлар ва тартиблардан келиб чиқадиган қоидалар йигиндисига айтилади.

Туркийларнинг қадимги аждодларига тааллукли одат хукуқларидан деярли барча даврларда амал этилган. Жумладан, жангда вафот этган аканинг хотинига укасини уйланиш одати мавжуд бўлган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад наслни, оилани саклаб қолишга, давом эттиришга қаратилган.

Қадимги туркий давлатларда давлат – маълум бир қонунларга (қадимги туркийларда қонун туркча “тöре” деб аталган) асосланган бир бошқарув усули ҳисобланган. Қонун нормалари ёзув шаклида бўлмаса-да, давримиздаги хукуқ нормаларига ўхшаш Конституциядан ҳам устун даражада деб ҳисобланган. Давлат оёқда туриши қонуннинг амал қилиши билангина мавжуд бўла олган; [1, S. 26]. Масалан, қадимги хунн давлатида мамлакат хавфсизлиги учун жиноятга бериладиган жазоларга катта эътибор қаратилар эди. Жиноят қилганларни жазолаш давлатнинг хукуки ҳисобланган. Биз биламизки, хун олиш ибтидоий давлатларда оддий ҳол ҳисобланган. Хунн давлатида эса қасос олиш ўрнига жиноятчининг давлат томонидан жазоланиш усули йўлга қўйилган эди. Шахсий ўч олиш тақиқланган. Одам ўлдиришнинг жазоси дорга осилиш бўлган. Қароқчилик, ўғрилик ва ҳайвон ўғирлаш қатъян тақиқланган эди. Қўлга туширилган қароқчи ва ўғрилик устида қўлга тушганлар қатл этилар, мол-мулки мусодара қилинар, оила аъзоларининг ҳуррияти чекланар эди. Жиддий бир таҳлика бўлмаса, ўқ-ёйдан фойдаланиш тақиқланган. Зинонинг жазоси ўлим бўлган. Номусга тегиш энг оғир жиноятлардан бири деб ҳисобланган. Бу ҳолатда икки томон келиша олмаса, жиноят ўлим билан жазоланиши керак эди. Қўшиндан қочган ва Ватанга хиёнат қилганларнинг жазоси ҳам ўлим эди. Ота-онасини ўлдирганлар берилган жазо натижасида ўлмасалар, жамоат жойларида қийноқдан ва бошқа турли ҳаракатлар билан ўлдирилар эди. Булар қадимги Хун давлатидаги жазо муассасаларига оид эди [2, S. 21].

Давлатни бошқариш хукукини қўлида тўплаган хукмдор ушбу қоидаларга кўра давлатни бошқарар эди. Қонунларнинг риоя қилиниши маълум бир суд ва хукмдор тарафидан амалга оширилар эди. Суд мажлисида хоқон иштирок этиши ёки иштирок этмаслигидан қатъий назар қонун хукмлари ҳеч қандай камчиликсиз амалга оширилар эди. Ҳатто хукмдор ҳам қонунга риоя қилишга мажбур бўлган. Агар хукмдор қонунга риоя қилмаса ёки унга қарши ҳаракаат қилса таҳтдан туширилар эди. Бу қадимги туркийларда қонунлар ва уни амалга оширувчилар маҳсус маҳкама, яъни суд идораси томонидан амалга оширилар, қонунга зид ҳолат аниқланганда дарҳол жазолаш амалга оширилар эди.

Қадимги туркийларда жиноят ва жазо тушунчалари қонунлар асосида белгиланар эди. Қонун адолатни таъминлаганидек, жамият томонидан ижобий деб қабул этилмаган ҳолатларга нисбатан жазо жуда қаттиқ бўлар эди [1, S. 27]. Турк ҳоқонлиги даврида жиноятга нисбатан қатъий жазолар белгиланган. Масалан, Турк ҳоқонлиги даврида сиёсий жиноятларга нисбатан



суд маҳкамасига шахсан ҳоқон ёки бош вазир бошчилик қилар эди. Баъзан одат хуқуқи асосида ҳоқон вакили сифатида бир юқори мартабали шахс суд мажлислариға бошчилик қилар эди.

Қонунлар уч асосга таянар эди:

1. Халқ. Халқнинг урф-одатларига асосланган хуқуқ нормалари “юсун” деб аталган;
2. Қурултой. Қурултойда қабул қилинган ҳар қандай қарорлар қонун тусини олар эди;
3. Ҳоқон, яъни ҳукмдор. Ҳукмдор давлат бошқаришга масъул бўлганлиги учун унинг бу борада қабул қилиган қарорлари қонун ҳукмига тенг эди[1].

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ali KUYAKSIL, Ali ALTUNBAŞ. Türklerde hukuk devleti anlayışının tarihsel gelişimi // Mustafa Kemal University Journal of Social Sciences Institute Yıl/Year: 2012 ♦ Cilt/Volume: 9 ♦ Sayı/Issue: 19. – S. 26.
2. Ali ALTUNBAŞ. İslamiyet Öncesi Türklerde Hukuk // HKÜHFD, 2022; 12(23): – S. 21.
3. Bekmirzaev, R. B. (2021). Factors affecting nation-building relationships in Fergana Valley. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 122-125.
4. Bekmirzaev, R. B. (2021). Traces Of Archaic Religions In The Modern Way Of Life Of The Peoples Of The Ferghana Valley. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 41-46.
5. Bekmirzaev, R. B. (2022). Socio-Economic Causes Of Ethnic Conflicts In The Ferghana Valley. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(06), 135-138.
6. Bekmirzaev, R. B. (2022). Historical and political problems of the Ferghana valley. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 11(6), 104-106.
7. Bekmirzaev, R. B. (2022). Interpretation of inter-ethnic relations in the Ferghana Valley from political aspects. *The Peerian Journal*, 12, 31-34.
8. Begalievich, B. R. (2022). Inter-ethnic conflicts in the south of the Kyrgyz Republic. *Eurasian Research Bulletin*, 14, 51-56.
9. Bekmirzaev, R. B. (2022). INTER-ETHNIC RELATIONS AND SOCIAL PROBLEMS IN FERGHANA VALLEY. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 3(11), 34-40.
10. Бекмирзаев, Р. (2022). Yangi O ‘zbekistonda millatlararo totuvlik va dinlararo bag‘rikenglikni mustahkamlashning huquqiy asoslarini yaratilishi. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 585-593.
11. Бекмирзаев Р.Б., & Рустамов С.А. (2023). МУСУЛЬМАНСКИЕ ГЕОГРАФЫ (ИБН БАТТУТА). Экономика и социум, (1-2 (104)), 172-175.
12. Begalievich, B. R. (2023). Analysis of the Fergana Ethnic Conflict. *Eurasian Journal of History, Geography and Economics*, 19, 49-53.
13. Begalievich, B. R., Kasenovich, I. A., & Valiyevich, Y. S. (2023). Horse Games and Entertainment. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 19, 105-111.
14. Бекмирзаев, Р. (2022). Создание правовой основы для укрепления международной гармонии и межрелигиозной толерантности в новом Узбекистане. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 585-593.
15. Bekmirzaev, R. B., & Ilbaev, A. K. (2023). " Kudatgu Bilig" About Games and Amusements in Public Life. *Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education*, 2(4), 253-259.
16. Бекмирзаев, Р. Б., & Илебаев, А. К. (2023). БАБУР-НАМЕ» КАК ЭТНОГРАФИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 18, 150-157.



17. Бекмирзаев, Р. Б., & Илебаев, А. К. (2023). БАБУР-ШАХ И СУЛАЙМАН-ТОО. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 18, 158-162.
18. Ахматова, А., Илебаев, А., & Бекмирзаев, Р. (2023). ЗЕБ УН-НИСА ОЧАРОВАНИЕ И ТРАГЕДИЯ. *Interpretation and researches*, 1(1).
19. Ахматова, А., Илебаев, А., & Бекмирзаев, Р. (2023). «КУДАТГУ БИЛИГ» ОБ ИГРАХ И ЗАБАВАХ В ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ. *Interpretation and researches*, 1(1).
20. Bekmirzayev, R. B. (2023). FARG ‘ONA VODIYSIDAGI ZAMONAVIY MILLATLARARO MUNOSABATLARGA TA’SIR ETUVCHI IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR. *Research Focus International Scientific Journal*, 2(4), 64-67.
21. Bekmirzaev Rakhmonali Begalievich, & Akhmatova Ainura Nimatovna. (2023). ABOUT THE CHARMING CREATION OF ZEBU UN-NISSA BEGIN. *Academia Science Repository*, 4(04), 879–887. Retrieved from <http://academiascience.com/index.php/repo/article/view/118>
22. Bekmirzaev Rakhmonali Begalievich. (2022). ANALYSIS OF THE CAUSES OF INTERETHNIC CONFLICT IN OSH 2010. *Journal of Exercise Physiology*, 9. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6892427>
23. Adkhamjonovich, U. U. B. (2023). A Look at the Veterinary History of Turkestan in the Late 19th-Early 20th Centuries. *International Journal of Formal Education*, 2(5), 81-84.
24. Adhamjonovich, U. (2022, November). INFORMATION ON ANIMAL HUSBANDRY IN TURKESTAN (LATE XIX–EARLY XX CENTURIES). In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 1, No. 2, pp. 89-95).
25. Ўрмонов, У. (2022). Вопросы борьбы с болезнями скота в Туркестане.(Конец XIX–начало XX). *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 383-389.
26. Ўрмонов, У. А. (2023). ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА МАРФИЛОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ (XIX аср охири–XX аср бошлари). *Miasto Przyszlosci*, 42, 340-345.
27. Adkhamjonovich, U. U. B. (2022, November). THE ROLE OF LIVESTOCK AND PRODUCTS IN THE DOMESTIC AND FOREIGN TRADE AT THE END OF THE 19TH CENTURY-THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY (On the example of Fergana Valley). In *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities* (Vol. 1, No. 3, pp. 30-35).
28. Ўрмонов, У. (2022). ҚАДИМГИ ФАРФОНАНИНГ ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 27, 96-101.
29. Mamajonova, D. (2023). WAYS TO COMBAT CRIME AND IMPROVE THE CRIME PREVENTION SYSTEM. *IMRAS*, 6(7), 227-236.
30. Мамажонова, Д. (2022). КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР-ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 688-693.
31. Saidrasul, X. (2023). MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR BIRLIGI. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(23), 101-108.
32. Xusanov, S. (2023). KATTA FARG ‘ONA KANALI QURILISHI TARIXIGA NAZAR (NOYOB ARXIV HUJJATLARI ASOSIDA). *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 16, 425-429.



33. Xusanovich, X. S. (2022). XIVA XONLIGIDA XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O 'RGANILISHI. *Research Focus*, 1(3), 94-98.
34. Khusanov, S. (2021). Qozikhona and religious rule in khiva khanate in the beginning of xix-xx centuries. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(12), 758-763.
35. Khusanov, S. (2022). Khiva madrasahs. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(6), 107-111.
36. Khusanov, S. (2022). Historiography of the problem of record keeping and archival affairs of the Khiva khanate in the XIX-early XX centuries. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(6), 93-98.
37. Xusanovich, X. S. (2023). XIVA XONLIGIDA QO 'NG 'IROTLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O 'RGANILISHI (XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR). *Miasto Przyszłości*, 42, 346-350.

